

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди
№ _____
2009 йил «__» _____

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлигининг
2009 йил «__» _____
даги
«__» -сонли буйруғи билан
тасдиқланган

Қўшимча шарқ тили
(А Р А Б Т И Л И)
фанидан

ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳаси	200000	гуманитар фанлар ва саъат
Таълим соҳаси:	220000	гуманитар фанлар
Таълим йўналиши:	5 220 100	Филология(шарқ тиллари)

Тошкент – 2009

Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-услубий бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2009 йил «___» _____ даги «___» -сон мажлис баёни билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури Тошкент давлат шарқшунослик институтида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Ю.А.Исмаилова –“Араб филологияси” кафедраси
доценти, т.ф.н.

Б.М.Бегматова –“Араб филологияси” кафедраси
ўқитувчиси

Ш.Э.Зайнутдинова –“Араб филологияси” кафедраси
ўқитувчиси

Такризчилар:

Н.М.Орифхўжаев –Тошкент давлат шарқшунослик
институти “Араб филологияси”
кафедраси катта ўқитувчиси

А.Б.Абдуллаев –Тошкент ислом университети ўқув
ишлари бўйича проректори, ф.ф.н.,
доцент.

Фаннинг ўқув дастури Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий-услубий кенгашида тавсия қилинган (2009 йил _____даги «___» -сонли баённома)

Кириш

Араб тили бошқа тиллардан ҳар жихатдан фарқ қилади. Бу фарқ айниқса унинг фонетикаси, иборалари, грамматик қурилиши, лексикавий тузилишида яққол кўзга ташланади. Шу билан бирга араб тили лексикасида кўплаб бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўзлар ҳам кенг қўлланилади. Шунинг учун эроншунос, туркшунос ва бошқа бўлим талабаларига ўзлари ўзлаштираётган асосий шарқ тили билан бирга араб тилини қўшимча шарқ тили сифатида ўргатишнинг аҳамияти каттадир. Чунки, жаҳон андаозалари талабларига жавоб берадиган бакалавр даражасидаги шарқшуносларни тайёрлашнинг ўзи бугунги кунда долзарб масалалардан бўлиб, ушбу **“Қўшимча шарқ тили”** фаниниг долзарблиги ҳам шундадир.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Фанни ўқитишдан **мақсад**-талабаларни араб тили лексикасининг флексив характери, сўзларнинг тузилиши, бошқа тиллардан анчагина фарқи бўлган луғатлари ва улар билан ишлаш ҳамда араб тилини ўзига хос бошқа хусусиятлари ҳақида билим, қўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

Фаннинг **вазифаси** талабаларга араб тилининг ўрганишга қўйилган талаблар асосида арабча матнларни ўқиб мазмунини баён қилиш, ўта мураккаб бўлмаган матнларни ўзбек тилидан араб тилига ёки араб тилидан ўзбек тилига луғатсиз, мустақил таржима қилишларини ўргатишдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, қўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

“Қўшимча шарқ тили (араб тили)” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида **бакалавр**:

- қўшимча шарқ тилнинг морфологик тузилиши ва товуш тизими; ўрганилаётган тилдан ўқитиш олиб борилаётган тилга таржима қилиш амалиёти спецификаси ва стилистик хусусиятлари, меъёрий грамматика асослари; ўрганилаётган тилнинг ривожи ва тил доирасидаги экстралингвистик

шаклланишнинг асосий факторлари ҳамда тарихий манбалари, унинг диалектик хилма-хиллиги *тўғрисида тушунчага эга бўлиши;*

- кўшимча шарқ тилининг ёзма, адабий ва оғзаки шакллари; тилнинг илмий тавсифи, ёзув, график хусусиятлари, орфографияси, пунктуацияси, лексик-грамматик хусусиятлари, сўз ясалиши ва унинг тузилиши, бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш қонуниятлари; содда ва кўшма гаплар, сўз бирикмалари, лексика ва ёзма нутқ, диалектик лексиканинг асосий хусусиятларини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

- кўшимча ўрганилаётган шарқ унча қийин бўлмаган матнларни матнларни ўқитиш олиб борилаётган тилга таржима қила олиш; ўрганилаётган тилда чет эллик мутахассислар билан муайян соҳада ва умумий масалаларда мулоқот олиб бориш; ҳар турли ва мураккаб бўлмаган матнларни ўқитиш олиб борилаётган тилдан асосий ўрганилаётган тилнинг ҳозирги адабий шаклига ёзма таржима қила олиш; асосий ўрганилаётган чет тилида мулоқот қилиш, нутқ сўзлаш; асосий ўрганилаётган чет тилидан ўқитиш олиб борилаётган тилга суҳбат, нутқ ва маърузаларни оғзаки изчил ва синхрон таржима қила олиш; ўрганилаётган чет тили ва ўқитиш олиб борилаётган тилдаги маълумотларни қўллаб аннотация, реферат, маълумотлар тўплаш, тузиш *малакасига эга бўлиши керак.*

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Кўшимча шарқ тили (араб тили) фани 3-8-семестлар мобайнида ўқитилади. Дастурни амалга ошириш ўқув режасида режалаштирилган умумқасбий (тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти, ўрганилаётган мамлакат тарихи, тилшуносликка кириш, адабиётшуносликка кириш), махсус фанлар (махсус филологияга кириш, шарқ тилларини ўқитиш методикаси, таржима назарияси ва амалиёти) фанларидан етарли билим ва кўникмаларига эга бўлишлик талаб этилади.

Фаннинг гуманитар фанлар тизимидаги ўрни

Ўзлгимизни англаш, келажакка интилган умумбашар қарвонида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш ва уни қўлдан

чиқармаслик учун, ўсиб келаётган авлодни маънавий-ахлоқий пок, илм-маърифатга чанқоқ, Ватанига, халқига садоқат руҳида тарбиялашимиз керак. Бунинг учун эса аجدодларимиздан қолган бой илмий-адабий меросимизни холисона ўрганиб, яъний илмий тадқиқ қилиб халқимизга етказа оладиган, уларни фарзандларимиз онгига тўғри сингдира оладиган кадрларни тайёрлашимиз керак. Бу эса қўшимча шарқ тили (араб тили)ни ўрганиш ва ўргатишни тақозо қилади. Чунки мамлакатимиз худудидан етишиб чиққан дунёга машҳур кўпгина олиму-уламолар араб тилида ижод этганлар. Шунинг учун бу тилни бошқа гуманитар фанлар тизимида тутган ўрни каттадир.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабалар қўшимча шарқ тили (араб тили) фанини яхши ўзлаштиришлари учун, ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги инфор­мацион-педагогик технологияларни, хусусан, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, БББ, чархпалак, зинама-зина, блиц сўров каби янги технологиялардан фойдаланиш қўл келади.

Асосий қисм

Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни

Кириш

Араб тили ҳақида умумий маълумот.

Араб мамлакатлари ҳақида маълумот. Шу мавзуларни ўзбек ва сосий шарқ тилига нисбатан ўрганиш. Араб тилининг тарихий аҳамияти. Ҳозирги замон араб адабий тили ва лаҳжалар. Араб тили грамматик системасининг асосий шарқ тили грамматикасидан фарқли ва ўхшаш жиҳатлари.

Фонетика

Асосий шарқ тили фонетикасидан араб тили фонетикаси ва алфавитидаги ҳарфларнинг фарқли жиҳатлари. Товушларнинг ўзаро таъсири. Ўзбек ва асосий шарқ тилининг товушлар тизими. Ассимиляция. Ундошларнинг иккиланиши Эмфатик товушларнинг талаффузига эътибор бериш.

Ёзув (графика)

Араб ёзувининг ўзига хос хусусиятлари. Ҳар бир ҳарф белгисини ёзиб, машқ қилиш. Қисқа ва узун унлиларнинг ёзувда ифодаланиши Диакритик белгилар. Ҳамзанинг ёзилиш қоидалари.

Морфология

Сўз туркумлари. Араб тилида ўзак ва негиз. Вазнлар. Шу мавзуларни ўзбек ва асосий шарқ тилига нисбатан ўрганиш. Содда гап. Содда исмий гап. Сўроқ гап. Исмларнинг грамматик хусусиятлари. Берилган мавзуларни машқлар ва ёзма ишлар орқали мустаҳкамлаш. Аниқлик ва ноаниқлик категориялари. Сон. Иккилик. Кўплик. Тўғри ва синиқ кўплик. Кишилиқ олмошлари. Кўрсатиш ва ажратувчи олмошлар. Аниқловчи. Содда ёйиқ гап. Нисбий сифат. Исмларнинг келишикларда турлани-ши. Предлогли от - кесим. Кўмакчилар, уларнинг маънолари. Феълнинг ўтган замонда тусланиши. Мослашиш қонунлари. Равиш кўмакчилар .Изофа бирикмаси. Бирикма олмошлар. Бирикма олмош-ларнинг исмларга ва феълларга қўшилиб келиши. Икки келишикли отлар. Келишиқда ўзгармайдиган исмлар. Бирикма олмошларнинг предлоглар билан келиши. Феъл. Ўтган замон феъли. I боб феъли. Феълларнинг ўзига хос хусусиятлари. Феълий жумла. Тўлдирувчи. Ҳозирги -келаси замон феъли. Гапнинг уюшиқ бўлаклари. Гапнинг бош бўлаклари уюшиб келган феълий жумлалар. Феълларнинг боблари ва уларнинг маънолари. Феъл майллари. Шарт майли. Буйруқ майли. Эгага таъсир қилувчи юкламалар. Бўлмоқ ва бўлиб қолмоқ феъллари. Изоҳловчи. Махсус изоҳловчи. Тўрт ўзакли феъллар. Уларнинг ҳосила боблари. Феълдан ясаладиган исмлар. Масдар. Ўз ўзини тўлдирувчи. Бир маротабаликни ифодалаш. Истак майли. Сифатдошлар. Аниқ ва мажхул даражадаги сифатдошлар. Сифат. Бошланиш ва яқинлик феъллари. Сифат даражалари. Чеклов. Макон ва замон номлари. Сон ва унинг турлари. Ой ва ҳафта кунлари номи. Кичрайтма исмлар. Касб-кор номлари. Тахмин қилиш ва гумонни англатувчи (ва шу каби) феъллар. Тўғри ва нотўғри феъллар. Иккиланган феъллар. Истисно юкламалари.. Ҳамзали феъллар. Нисбий сифатлар. Касал

феъллар. Тўғрига ўхшаш феъллар. Ҳайратланиш ва ажабланишни ифодалаш. Бўш феъллар. Ноқис феъллар. Қасамни ифодалаш. Тушум келишиги. Мавхум отлар. Кучайтирма майл. Шахси номаълум гаплар. Эргаш қўшма гаплар ва уларнинг турлари. Мактов ва таҳкирлашни ифодалаш.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

. Машғулотлар ўтилган мавзу бўйича савол-жавоб, мавзуига оид матнларни ўқиш, ёзиш, таржима қилиш, сўзлаб бериш ва грамматик таҳлил шаклида олиб борилади. Мунтазам равишда ёзма назорат ишлари ўтказилади. Шунингдек, амалий машғулотлар ўтказишда қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

- Магнит тасмаларига ёзилган ўқув матнларини эшитиш ва такрорлаш.
- Магнит тасмасига ўртача тезликда ўқиб ёзилган, нотаниш сўзлари 15% дан ошмайдиган араб тилидаги матнларни эшитиш ва мазмунини она тилида айтиб бериш.
- Араб тилидаги оригинал радио ва телевизион дастурларни жумлама-жумла эшитиб она тилига таржима қила олиш.
- Курс жараёнида янги педагогик технологияларни қўллаш. (кластер, турли хил ўйин ва бошқалар).
- Ҳар бир бўлимга мўлжалланган, ўртача қийинликда бўлган сиёсий, тарихий, фалсафий, бадиий матнларни таржима қилиш.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсия этиладиган мавзулар:

- | | |
|---------------------------------|----------------------------|
| 1. Араб тилини ўрганиш | دراسة اللغة العربية |
| 2. Устоз Маҳмудни кўришга бориш | زيارة الأستاذ محمود |
| 3. Йўлда | فى الطريق إلى بيت أ، محمود |
| 4. Телеграмма | رسالة عاجلة |
| 5. Искандарияга саёҳат | رحلة إلى الإسكندرية |
| 6. Асванга саёҳат | رحلة إلى أسوان |

7. Элчихонада	في السفارة
8. Табиб ҳузурида	عند الطبيب
9. Мен касалман	أنا مريض
10. Сафар куни	يوم السفر
11. Ресторанда	في المطعم
12. Жиҳоз сотиб олиш	شراء الأجهزة
13. Клуб боғида	في حديقة النادي
14. Араб тили ўқитиш марказида	في مركز اللغة العربية
15. Қаҳвахонада	في الكافيتريا
16. Қоҳирада	في القاهرة
17. Таксида	في التاكس
18. Меҳмонхонада яшаш	إقامة في الفندق
19. Бозорда	في السوق
20. Ресторанда	في المطعم
21. Бўш вақтни қандай ўтказиш	الهواية و وقت الفراغ
22. Йўл чиптаси	بطاقة الوصول
23. Шахсий хат	الرسائل الشخصية
24. Расмий хат	الرسائل الرسمية

Мустақил ишни ташкил этишининг шакли ва мазмуни

Талаба мустақил ишининг асосий мақсади ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати остида талабада муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришдир.

Талаба мустақил ишининг асосий вазифалари янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш, керакли маълумотларни излаб топиш, ахборот манбалари ва интернет тармоғидан мақсадли фойдаланишдир.

Мустақил ишнинг тахминий мавзулари:

1. Ҳуш келибсиз	اهلا و سهلا
2. Йўлда	في الطريق إلى بيت أ، محمود
3. Телеграмма	رسالة عاجلة
4. Искандарияга саёҳат	رحلة إلى الإسكندرية
5. Асванга саёҳат	رحلة إلى أسوان
6. Элчихонада	في السفارة
7. Табиб ҳузурида	عند الطبيب
8. Мен касалман	أنا مريض

- | | |
|--------------------------------|-----------------------|
| 9. Сафар куни | يوم السفر |
| 10. Ресторанда | فى المطعم |
| 11. Жихоз сотиб олиш | شراء الأجهزة |
| 12. Клуб боғида | فى حديقة النادي |
| 13. Араб тили ўқитиш марказида | فى مركز اللغة العربية |

Дастурнинг информацион услубий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган.

- араб тили грамматикасига оид бўлган дарсликлар, ўқув қўлланмалар, таркатма материаллар шунингдек, маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон дидактик технологияларидан фойдаланиш.

Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати. Асосий адабиётлар

1. Иброҳимов Н.И., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. Т., 1997. I-жилд.
2. Иброҳимов Н.И., Юсупов М. «Араб тили грамматикаси». Т., 2004. II-жилд.
3. Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. М., 1998.
4. Мусаев.О. Араб тили асосий қоидалари тизими. ТошДШИ. Т., 2000.
5. Носирова М.А. Ўрта аср араб нахвидан намуналар ТошДШИ. Т., 2004.
6. Носирова М.А. Махмуд Замахшарийнинг Ал-Унмузж фи-н-нахв рисоласи ТошДШИ. Т., 2005.
7. Ковалёв А.А., Шарбатов Г.Ш. Учебник арабского языка. М., 2000.
8. Лебедев В.Г., Чурева Л.С. «практический курс арабского литературного языка» I-II части. М., 2005.
9. Талабов Э.Т. Араб тили дарслиги. Т., 1994.
10. Халидов Б.З. Учебник арабского языка. Т., 1997.

11. Шагаль В.Э. Учебник арабского языка. М., 1983.
12. القاهرة الازهر. مصر "توضيح النحو" فاخر. عبد العزيز محمد. 1993م.

Қўшимча адабиётлар

1. Ашихмина Н.П., Фатеева И.Г., Джамалова С.В. Сборник контрольных работ и тестовых заданий по арабскому языку для студентов I-II курсов ТашГИВ. Т., 2002.
2. Ашихмина Н.П., Алимджанова З.Н. Аль Бируни – просветитель Востока ТашГИВ. Т., 2003.
3. Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. М., 1985.
4. Борисов В.М. Русско-арабский словарь. М., 1972.
5. Иброхимов Б. Ўзбекча-арабча сўзлашгич. Т. 1994.
6. Иброхимов Н., Хасанов Б., Мусаев О., Иброхимов Б. Ўзбекча –арабча лугат عربى-قاموس اوزبىكى. Т., 2000.
7. Лебедев В.Г. Чурева Л.С. Практический курс арабского литературного языка. I-II части. М., 2005.
8. Орифхўжаев Н.М. Араб тили дарсларида ўқув ўйинларини татбиқ этиш бўйича тавсия ва намуналар. ТошДШИ. Т., 2004.
9. Солих Аҳмад Бахши نصوص مختارة ТошДШИ. Т., 2002.
10. Талабов Э. Арабча -ўзбекча-русча сўзлашгич. Т., 1994.
11. Усмонова Н.Х. Араб тилидан ўқув қўлланма (3-курслар учун) ТошДШИ. Т., 2002.
12. Фролова О.Б. Мы говорим по-арабски. М., 1972.
13. Юшманов Н.В. Грамматика литературного арабского языка. М., 1985.

Ўқиш китоблари

1. Акбарова М.Х., Ашихмина Н.П., Тошмухамедова Г.М. Образцы новоарабской литературы. ТашГУ.
1. Ибрагимов Н.И. Хрестоматия арабских классических текстов. ТашГУ. 1985.
2. Ибрагимов Н.И. Ибн Батута и его путешествия по средней Азии. 1988.
3. Ташкузиева М.К. Хрестоматия арабской классической поэзии. 1985.
4. Фатеева И.Г. , Шокирова З. Араб матбуот тили устида ишлаш. Т., 2004.
5. Шокиров Р.А. Мухтаров Т.А. Полит перевод. 1982.

Интернет сайтлари:

1. www.almeshkat.com
2. www.drmosad.com
3. www.el-eman.com
4. www.fundarabist.ru
5. www.russarabbc.ru